ШИМОЛИЙ АФРИКА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

М. Муҳаммадсидиқов

Мақолада бугунги кунда Шимолий Африканинг минтақавий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш муаммолари, минтақавий хавфсизлик ва этник муносабатларнинг ўзаро алоқаси кўриб чиқилган. Шунингдек, минтақадаги этник муносабатлар ва зиддиятларнинг мақсади ва шакллари, иштирокчи ва ҳаракатлантирувчи кучлари, структураси ва классификацияси ўрганилган. Шунга ўхшаш зиддиятларни ҳал қилиш ва олдини олиш бўйича таклифлар берилган

Таянч иборалар: *“араб баҳори”, барбар, этник ва диний камчилик, минтақавий барқарорлик, минтақавий хавфсизлик, этник муносабатлар ва зиддиятлар*

В статье рассматриваются проблемы обеспечения региональной стабильности и безопасности Северной Африки, связь региональной безопасности и этнических отношений, являющихся одной из важнейших проблем современной политики. Исследованы структура и классификация, участники и действующие силы, цели и формы этнических отношений и конфликтов в регионе. Представлены некоторые предложения по решению и предотвращению подобных конфликтов.

Ключевые слова: *«арабская весна», бербер, этнические и религиозные меньшинства, региональная стабильность, региональная безопасность, этничность, этнические отношения и конфликты.*

The article attempts to review the problem of ensuring regional stability and security in the North African region, due to regional security and ethnic relations, which is one of the most important problems of modern science. The structure and classification of the participants and the acting forces, objectives and forms of ethnic relations and conflicts in the region. And also some offers on the decision and prevention of similar conflicts are offered.

Keywords: *Arabic Spring, Berber, ethnic and religious minorities, regional stability, regional security, ethnicity, ethnic relations and conflicts*

XX аср охири - XXI асрнинг бошларида халқаро муносабатлар тизими ҳамда жаҳон сиёсатида юз берган сиёсий, ҳарбий, ижтимоий ва иқтисодий воқеалар дунё геосиёсий харитасини тубдан ўзгартирган ҳолда, янги дунё тартиботининг шаклланиш жараёнларини бошлаб берди. Бу жараёнлар эса минтақалар даражасида ва минтақалар ичидаги эскидан зиддият ўчоғи сақланиб турган турли хил тарихий, этник, сиёсий, диний ва бошқа асосларга эга бўлган можароларнинг кескинлашуви билан бирга юз берди. Шундай муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов: “Бу муаммолар илгари икки тузумнинг дунё миқёсидаги қарама-қаршилиги доирасида кўпинча у ёки бу кучлар қутбининг манфаатлари йўлида бостириб келинган” [1],- деб таъкидлаб ўтган эди.

Араб давлатларини ўз ичига олган Шимолий Африка ва Яқин Шарқ, биринчидан, дунёнинг учта йирик динлари – яҳудийлик, христиан ва ислом дини ўчоқлари ва муқаддас қадамжоларига эга минтақадир, бу қайсидир маънода унга руҳий боғлиқликни англатади. Иккинчидан, дунё иқтисодиётида катта аҳамият касб этувчи нефть ва газга бойлиги дунёнинг етакчи давлатлари эътиборини тортади. Учинчидан, у куррамизнинг Европа, Осиё ва Африка континентлари кесишган нуқтасидир. Бу тарихда ҳам минтақанинг геосиёсий аҳамиятини белгилаб берган. “Совуқ уруш” даврида ҳам икки қутбнинг қарама-қаршилик ҳудуди бўлган ва бу ҳозирги кунда ҳам ўзининг шаклини ўзгартирган ҳолда қарама-қаршилик макони бўлиб қолмоқда. Бундай қарама-қаршиликлар ва манфаатлар ўртасидаги зиддиятлар минтақада турли ҳарбий-сиёсий тўқнашувларни келтириб чиқармоқда. Энг хавфлиси, минтақада миллатлараро, этнослараро, динлар ва диний конфессияларараро зиддиятларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши нафақат минтақа хавфсизлиги, балки унга яқин минтақалар хавфсизлигига ҳам кучли таъсир қилиши мазкур таҳдидларнинг олдини олиш борасида тегишли чоралар кўриш ўта муҳим эканлигини билдиради.

Яқин Шарқдаги муаммоларнинг минтақамизга ва мамлакатимизга таъсири тўғрисида гапирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: “Бугунги кунда дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида авж олаётган қарама-қаршилик, жумладан, Яқин Шарқда, Ироқ ва Сурия мамлакатларида бўлаётган қонли тўқнашувлар, мусулмон дунёсидаги тур-

ли мазҳаб ва оқимлар ўртасида кучайиб бораётган ўзаро низо ва зиддиятлар, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлаётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди.

Бундай ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини, уларнинг фожиали оқибатларини чуқур тушуниб, англаб олишда, кенг жамоатчилигимиз, мўмин-мусулмонларга етказишда ҳурматли уламоларимиз, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ходимлари янада фаоллик ва жонбозлик кўрсатсалар, айни муддао бўлур эди. Диний қадриятларнинг, эзгуликнинг, инсониятнинг душмани бўлган ёт ғояларнинг асл моҳиятини очиб бериш, бузғунчи оқимларни жиловлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, мана шундай тинч, мусаффо осмон остида бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлиб, шукрона келтириб яшаётган олижаноб халқимизнинг тинч ҳаётини ҳар қандай бало-қазолардан асрашга ўз ҳиссамизни қўшиш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиз бўлиши керак" [2].

Шимолий Африка минтақаси ҳозирги жаҳон геосиёсий жараёнларида муҳим геостратегик ўрин тутган ҳолда, ўзининг табиий ресурсларга (нефть ва газ) бойлиги, жўғрофий жойлашуви ва цивилизация ўчоқларидан бири ҳисобланиши сабаб дунёдаги етакчи давлатларни ўзига жалб этиши билан характерланади. Шунингдек, Шимолий Африка минтақаси узоқ вақт давомида қурол-яроғ олди-сотдиси учун катта бозор, террористик ва экстремистик ташкилотлар учун муҳим минтақа бўлиб қолмоқда.

Шимол томонда ўрта ер денгизига, шарқда Қизил денгиз, ғарбда эса Атлантика океанига қўшилиб кетадиган бу минтақада бугунги кунда Миср, Судан, Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия, Сомали, шунингдек, Уганда, Эфиопия, Эритрея, Мавритания, Ғарбий Саҳро каби суверен давлатлар жойлашган [3].

Машҳур шарқшунос Р.Г.Ланда "Араб давлатлари тарихи" номли асарида таъкидлаганидек, айнан Шимолий Африкада (Яқин Шарқ билан бирга) инсониятнинг энг қадимги цивилизацияси вужудга келди. Айнан шу ер янги ва янги маданиятлар учрашадиган, алоқа қиладиган арена бўлиб келган… шу ерда дунё динларидан христианлик ва ислом вужудга келди, ёйилди ва тараққий қилди [4].

Стратегик қулай, кенг тармоқли денгиз йўлларига туташ ҳамда табиий захираларга бой бу минтақа жуда қадим ва бой тарихга эгадир. Бугунги кунга келиб бир қатор ҳал қилинмаган муаммолар гирдобида бўлишига қарамасдан, халқаро майдонда бу минтақа ҳамон ўз ўрни ва сўзига эга.

Мағриб араб мамлакатлари, яъни Шимолий Африка мамлакатларига нисбатан "Ғарбдан Сувайшгача" географик чегараси ҳам ишлатилади. Ушбу чегара тушунчаси биринчилардан бўлиб рус шарқшуноси Л.И.Медведко томонидан ишлатилган, кейинчалик у инглиз фельдмаршали Г.Г.Китченир томонидан ҳам қўлланди [5].

Шимолий Африка араб давлатларида (Яқин Шарқ билан бирга) 315 миллион мусулмон яшайди, бу дунё мусулмонлари жамоасининг тахминан йигирма фоизи демакдир.

Шимолий Африка қитъасида Миср, Жазоир, Марокаш, Судан, Тунис каби йирик мусулмон давлатлари жойлашган. Мисрда мусулмонлар сони умумий аҳолининг 94,6 фоизини, дунё мусулмонларининг эса 5,0 фоизини; Жазоирда мос равишда 98 ва 2,2; Марокашда 99,4 ва 2; Тунисда 99,5 ва 0,7; Ливияда 99,6 ва 1,9; Суданда 71,3 ва 1,9 фоизни ташкил қилади [6].

Араб шарқи мамлакатларидан фарқли, Шимолий Африка араблари турли тилларда гаплашувчи ва ҳар хил динларга эътиқод қилувчи миллат, элат ва қабилалардан иборат. Баъзи маълумотларга қараганда қитъада 850 га яқин этник ва лингвистик гуруҳлар мавжуд. Африка – шимол араблари ва жануб қора танлиларидан иборат бўлиб, маҳаллий анъанавий динлар, христианлик ва исломдан иборат учта диний тизимни ўзида бирлаштиради [7].

Бугунги кунда минтақа хавфсизлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этгани ҳолда минтақа давлатлари ўртасида бу масала юзасидан мувофиқлашган сиёсий қараш ва саъй-ҳаракатлар мавжуд эмаслиги муаммонинг кескинлигидан далолат беради. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида минтақада манфаатлар кесишуви юқори даражадалиги, ўзига хос ички ва ташқи омиллар мавжудлигини кўрсатиш мумкин. Минтақа давлатларининг минтақада етакчиликка бўлган интилиши (иқтисодий жиҳатдан кўра кўпроқ ҳарбий-сиёсий жиҳатдан) ҳудудда самарали фаолият юритадиган хавфсизлик тизимининг шаклланишига тўсқинлик қилмоқда.

Шу билан бирга минтақавий муносабатларда етакчи ўринлар учун кураш олиб бораётган минтақавий куч марказларининг шаклланиши кузатилмоқда. Бу эса минтақа давлатларининг турли ташкилотларга аъзо бўлиши (АДЛ, НАТО (масалан, Туркия ёки араб давлатларининг НАТО билан ҳамкорлиги)), жаҳоннинг етакчи давлатлари билан стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиш (АҚШ-Исроил, АҚШ-Миср, Франция-Жазоир, Франция-Тунис) ёки норасмий альянсларга аъзо бўлишида яққол намоён бўлмоқда. Минтақани назорат қилиш, минтақада етакчилик қилиш учун Шимолий Африкада Миср ва Жазоир, Яқин Шарқда Саудия Арабистони, Сурия, Туркия, Эрон, Исроил давлатлари кураш олиб бормоқда. Бу курашлар қуролланиш пойгаси ва ҳарбий тўқнашувлар, нефтга бой ҳудудларни эгаллаш, диний экстремизм ва терроризмни кучайтириш, миллатчилик ва ёт ғояларни ёйиш орқали олиб борилмоқда [8]. Бу эса, ўз навбатида, ички-сиёсий портлашларни, давлатлараро, миллатлараро ва

диний-конфессияларо можароларни келтириб чиқармоқда.

Шунингдек, мазкур жараёнларда минтақа хавфсизлигининг энг долзарб муаммоларидан бири – минтақада ядровий ва кимёвий қуролларнинг тарқалиши хавфи борган сари кучаймоқда. Ҳозирги даврда бу муаммо нафақат минтақа, балки қатор сабабларга кўра бутун жаҳон хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин [9].

Шимолий Африка давлатлари охирги икки аср давомида турли ташқи кучлар таъсир доирасининг муҳим объектига айланди. Минтақада геосиёсий вазият ривожланишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ерда сўнгги ўн йилликда дунёдаги энг кўп давлатлараро сиёсий, иқтисодий, диний конфессия ва этносларо зиддият, қарама-қаршиликларга асосланган можаро ва қуролли зиддиятларга тўла бўлган кескин вазият сақланиб турибди.

Сўнгги пайтларда ушбу ташқи кучларнинг ўз манфаатлари йўлида олиб бораётган геосиёсий ва геоиқтисодий рақобатли кураши минтақадаги вазиятнинг янада кескинлашувига олиб келди. Бунга энг сўнгги мисоллардан қилиб “Араб баҳори”дан сўнг Тунис, Ливия, Марокаш ва Мисрда юз бераётган фуқаролар урушини, ноқонуний муҳожирлар муаммосини ҳамда Нигерия, Мали, Кения, Чад ва шунингдек, Шимолий Африкадаги бир қатор давлатларда мусулмон ва христиан аҳоли ўртасидаги тобора жиддий тус олаётган қуролли низо ва можароларни кўрсатиш мумкин.

Минтақа давлатлари ўртасидаги ягона этносиёсий ёндашув ҳамда барқарор мувозанатнинг мавжуд эмаслиги ушбу ташқи кучлар қўлида жиддий қурол вазифасини бажармоқда. Натижада бугун минтақада этник ва миллатлараро можаролар сақланиб қолмоқда. Бундай жиддий муаммолар орасида 2011 йилда Судан жанубидаги ҳудудларнинг Судан Республикасидан ажралиб чиққанидан сўнг бошқа ҳудудларнинг ҳам алоҳида бўлишга интилишлари, кўп конфессияли Ливанда шиа, сунний, мароний ва друзлар ўртасидаги келишмовчиликлар, Мисрда мусулмонлар ва христиан қибтийлар ўртасидаги, Жазоир ва Марокашда араб ва барбарлар, Мавританияда араб ва қора танлилар (нигерлар) ўртасидаги низоларнинг келиб чиқиш хавфи, Ливияда уруғ-аймоқчиликнинг кучайиб бораётганлиги ва айирмачилик ҳаракатларининг тобора авж олиши каби кўплаб муаммоларни келтириш мумкин.

Сўнгги йилларда айрим Ғарб давлатлари томонидан Миср, Тунис, Ливия, Сурия каби давлатларда “демократлаштириш” операцияларининг фаол олиб борилиши оқибатида турли диний экстремистик ва радикал ташкилотларининг ҳокимият тепасига келиши, уларнинг диний-конфессионал жиҳатдан бўлиниши, улар орасидаги тўқнашувларнинг кучайиши кузатилди ва кузатилмоқда.

Шу билан бирга, айтиш керакки, узоқ вақт давомида Араб-Исроил можаросининг давом этиши нафақат минтақа давлатлари ва халқининг хавфсизлигини таъминлашда жиддий тўсқинлик қилмоқда, балки буюк давлатлар ва минтақавий давлатлараро муносабатларнинг кескинлашувига таъсир кўрсатган ҳолда халқаро хавфсизликка таҳдид солмоқда.

Таъкидлаш мумкинки, Шимолий Африка ҳудудидаги можаролар Яқин Шарқ минтақасига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Масалан, 2011 йил январь ойида “Жасмин инқилоби” номи остида Тунисда бошланган инқилоб, Мисрга, сўнг Ливия ва Яманга ўтди. Ўша пайтда Сурия Президенти Б.Асад ва Туркия бош вазири Р.Эрдоған учрашиб, “Тунис ва Миср муаммоси бизнинг муаммомиз” деб таъкидлаган эдилар [10]. Лекин, афсуски, мазкур инқилобнинг олди олинмади, у дастлаб Сурияга, сўнг қисман Туркия ва Ливанга ўз таъсирини кўрсатди. Бу минтақа давлатлари ҳукуматидан халқнинг норозилиги ва бошқарув ҳокимиятини алмаштириш ҳаракати билан бирга, ташқи кучларнинг бу жараёнларга қай даражада таъсир кучига эга эканлигини ҳам исботлади.

Умуман олганда, Шимолий Африка минтақасида хавфсизлик тизимини яратиш, аввало, минтақа давлатларининг этник масалаларини тартибга солишни талаб этди. Минтақада янги хавфсизлик тизимини яратишда араб бирлигини мустаҳкамлаш, хусусан, Шимолий Африкадаги беш (Ливия, Тунис, Жазоир, Марокаш ва Мавритания. Миср эса АМТ фаолиятида кузатувчи давлат сифатида иштирок этади) араб мамлакатини ўзида бирлаштирган “Араб Мағриби ташкилоти” фаолиятини янада жадаллаштириш ва мазкур ташкилот доирасида юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги фактлардан келиб чиқиб, Яқин Шарқда минтақавий хавфсизлик тизимини ташкил этишга қуйидаги вазифаларни амалга ошириш билан эришишни тахмин қилиш мумкин:

Биринчидан, араб бирлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш. Араб давлатлараро муносабатларини яқиндан йўлга қўйиш. Бу учун Араб давлатлари лигаси ташкилотида структуравий ва функционал ўзгаришларни ташкил этиш ва ташкилотнинг минтақадаги можароларни ҳал қилишдаги ролини ошириш.

Иккинчидан, минтақада таранглиқни юмшатишга Фаластин-Исроил муаммосини тартибга солиш жараёнида кўринарли ўзгаришлар юз бергандагина эришиш мумкин. Фаластиндан ташқари, Исроил билан ҳалигача тинчлик шартномасини имзоламаган давлатлар билан музокараларни тиклаш чораларини ишлаб чиқиш лозим.

Учинчидан, этник муаммоларнинг ҳал қилиниши, давлатлараро муносабатларни яхшилаш, мин-

тақа иқтисодиётини кўтариш имкониятини яратади. Шимолий Африка ва Яқин Шарқ минтақаларида этник масаланинг тўғри йўлга қўйилиши нафақат минтақа, балки халқаро хавфсизликни таъминлашда ҳам катта ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида можароларни, шунингдек, этник ва диний зиддиятларни ҳал қилишда сиёсий йўллар билан, превентив дипломатия орқали амалга оширишни илгари суради. Шундан келиб чиққан ҳолда у Шимолий Африкадаги қарама-қарши томонларнинг ўзаро манфаатдорлигини инобатга олган ҳолда, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш тарафдоридир. Бунинг учун можароларни ҳал этишга қаратилган БМТ ХКнинг резолюциялари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилишни қўллаб-қувватлайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2014 йил 31 августдаги “Шаҳидлар хотираси” майдонига ташрифидаги нутқидан. Аждодлар хотираси муқаддас // http://uza.uz/oz/politics/azhddlar-khotirasi-mu-addas

3. Интернет манба: www.infarn.ru.content.view.ru.2012

4. Ланда Р.Г. История арабских стран. - М.: 2004. – С. 5-6.

5. Модестов С.А. - Геополитика Ислама. - М.: 2003. – С. 181.

6. Муҳаммадсидиқов М.М. Замонавий халқаро муносабатларда Африка давлатлари: сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар. – Т.: ТИУ, 2013. - Б. 45.

7. Diniy ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashning ma`naviy-ma`rifiy asoslari. – T.: Toshkent Islom Universiteti nashriyoti, 2005. – B. 34.

8. Панкратьев В.П. Некоторые проблемы безопасности на Ближнем Востоке. Интернет манба: http://www.vostokoved.ru/books/3-book3/44---q-----q.html.

9. Ромашкина Н.П. О некоторых проблемах безопасности на Ближнем и Среднем Востоке. Интернет манба: http://centreams.ru/index.php?pid=41/.

10. Интернет манба: www.regnum.ru/news/1372182.html.

Тошкент давлат шарқшунослик институти
2015 йил 8 майда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Н.Э.Каримова)